

Шахс ўта хавфли рецидивист деб нотўғри топилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 16 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2003 йил 17 декабрдаги ҳукмига асосан А. Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисми, 246-моддаси 2-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Жиноят кодексининг 34-моддасига асосан, ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра А. 2003 йил сентябрь ойи бошларида Тожикистон Республикасида яшовчи дастлабки терговда аниқлаш имконияти бўлмаган шахсдан 1 кг. 947 грамм кўп миқдордаги «героин» гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, 2003 йил 7 сентябрь куни ушбу «героин» гиёҳвандлик воситасини контрабанда қилиш йўли билан, Сурхондарё вилояти Узун туманида жойлашган божхона маскани орқали божхона назоратидан яшириб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказган.

Шундан сўнг А. М. ҳамда Б. билан 2003 йил 10 сентябрь куни жиноий тил бириктириб, ушбу кўп миқдордаги 1 кг. 947 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида Урганч шаҳрига олиб келган. Шу ерда улар милиция ходимлари томонидан ушланиб, текширилганда Б.нинг сумкасида кўп миқдордаги 1 кг. 947 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси, А.нинг шими чап чўнтагидан 0,19 грамм кўп миқдордаги «героин» гиёҳвандлик воситаси топилган ва хужжатлаштирилиб олинган.

Суд А.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган ҳамда ҳукм чиқариш даврида амалда бўлган қонун талабларига мувофиқ жазо тайинлаган бўлса-да, А.ни ўта хавфли рецидивист деб топиб, хатога йўл қўйган.

Суд А.ни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун унинг илгари ўта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, яна ўта оғир жиноят содир этганлигини асос қилиб олган.

Жиноят кодексининг 34-моддаси 6-қисмида шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётганда қонунда белгиланган тартибда судланганлик ҳолатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмаслиги назарда тутилган.

Суд иш бўйича қонуннинг ушбу талабига риоя қилмаган.

А. жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 1999 йил 27 апрелдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 272-моддаси 2-қисми, 246-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 1999 йил 30 апрелдаги амнистия актига асосан жазонинг ўталмаган қисми 1/4 қисмига қисқартирилган, 1999 йил 31 июль куни шу амнистия актига асосан жазодан озод қилинган бўлиб, А. уч ой қамоқда сақланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилинган.

Жиноят кодексининг 78-моддаси «д» бандига кўра шахсининг судланганлик ҳолати, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин тўрт йил ўтганида тугалланиши кўрсатилган.

Жиноят кодексининг 80-моддасида **агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати**

муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши назарда тутилган.

А. муқаддам содир этган жинояти учун 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганини ҳисобга олиб, унинг судланганлик муддати 2003 йил 1 август куни ўтган. У тўрт йил бир ойдан сўнг, яъни 2003 йил сентябрь ойида яна қайта ўта оғир жиноят содир этган.

Бундай ҳолда унинг судланганлиги ҳолати Жиноят кодексининг 78-моддаси «д» бандига асосан тугаган ҳисобланади.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2011 йил 3 мартдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2003 йил 17 декабрдаги ҳукми, шу суд апелляция инстанциясининг 2004 йил 16 январдаги ажрими ўзгартирилиб, суд қарорларининг А.ни Жиноят кодексининг 34-моддаси тартибида ўта хавфли рецидивист деб топиш қисми бекор қилинди, А.га нисбатан тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Назорат иши ЖСХ-11-11